



Қурилиш

СУВДЕК СЕРОБ БЎЛИНГЛАР!

Байналмилал кўчаси билан Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси ўртасидаги тўрт гектарли ер 1996 йил февраль ойининг бошида қурилиш майдонига айланди. Шундан буён «Чилонзор» сув тақсимлагич тармоғи сифатида бунёд этилаётган ана шу иншоотда бир зум ҳам юк автотранспортларининг, экскаваторларнинг, кувур ётқизувчиларнинг, кранлар ва бошқа техникаларнинг, бир сўз билан айтганда ҳар қандай йирик қурилишга керак бўладиган анжомларнинг овози тинмайди...

Янги сув тақсимлагич тармоғининг бош буюртмачиси бўлган «Сувсоз» трести бу жойни бежиз танламаган. Бинобарин, худди шу ердан пойтахтимизнинг учта тумани — Чилонзор, Акмал Икромов ва Шайхонтохур туманлари аҳолисини қудратли сув ҳавзалари орқали оби ҳаёт билан таъминлаш енгил ва қулайдир. «Ўзбек-гидроэнергоқурилиш» трестининг «Тошгрэс-



қурилиш» бошқармаси ушбу иншоотнинг бош пудратчиси.

Шуни айтиш керакки, бундай катта жойда ишлаш қурувчилар учун ҳазилакам гап эмас. Айниқса, қор ёки ёмғир ёғиб турган кўзги-қишқи даврда ишлашнинг ўзи бўлмайди. Гап шундаки, бу ернинг замини асосан лой тупроқ бўлиб, ишининг тез боришига кучли таъсир кўрсатди. Устига қурилиш материаллари ортилган автомобилларнинг бу ерда ботиб қолиш ҳоллари ҳам рўй берди. Ҳатто

шундай ҳоллар ҳам юз бердики, автотехникалар аввалдан қазиб қўйилган пойдеворларга худди музда сирганган каби юриб келди. Тўпигача лойга ботган ишчиларга ҳам осон бўлмади. Лекин ишлаш керак бўлгандан кейин барибир бундай ишнинг

участка бошлиғи Р. Ҳамидов. — Бу ерда «Тошгрэсқурилиш» бошқармасига яна бир неча ташкилотлар ёрдам беришмоқда. «Чорвоқгэсқурилиш»нинг тўртинчи монтаж бошқармаси электрчиларни юборди. Механизациялашган ишлар, махсус ишлар бошқармалари ҳам электрчиларни бу ерга йўллади. Умуман олганда ана шу сув тақсимлагич тармоқ қурилишида юздан зиёд киши иш билан банд бўлди. Техника ҳам бу ерда етарли. Бир неча кувур ётқизувчилар, олтита автокран, экскаваторлар, бульдозерлар ер ишларини олиб бормоқда.

Шуни айтиш керакки, иншоотда ер ишларидан ташқари бошқа юмушлар ҳам адо этилмоқда. Тўрт гектар худудни

уддасидан чиқиш керакда. — Эндиликда олдимизда унчалик иш кўп қолгани йўқ, — дейди



эгаллаган қурилишда сувни тақсимлайдиган тармоқни бунёд этиш ўзидан оғир меҳнатни ва кўпдан кўп бошқа ишларни адо этишни тақозо этади. Ер ишлари дейсизми, қурилиш-тиклаш ишлари дейсизми, пардозлаш, пайвандлаш, механизациялаш ва бошқа ишлар дейсизми, уларнинг ҳаммасини бажариш лозим! Қурилишдаги энг муҳим жой сифатида резервуарларни, станция ва маъмурий бинони аташ мумкин. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки улар сувни тақсимлайдиган ҳар қандай тармоқнинг асоси ҳисобланади. Бинобарин, шу йўлда иккита резервуарларнинг ҳажми қанчалигини айтиб ўтиш ўринлидир. Булар ўн икки минг кубметрни ташкил этади. Насос станциясининг қуввати эса сувни кечаю кундуз айлантириб бериш имкониятини яратади.

— Айни шу кунларда ишимиз ниҳоясига етай деб қоляпти, — деб суҳбатга қўшилди уста Виктор Фомин. — Насос станцияси қурилиши ва маъмурий-маиший мажмуа ниҳоясига етди. Бу биноларда ҳозир пардозлаш ишлари кетмоқда. Ички ва ташқи коммуникацияларни ўрнатиш, бўлгуси «Чилонзор» сув тақсимлагич тармоғи худудини ўраш ишлари амалга оширилмоқда. Лекин айни дамлардаги энг муҳим иш — резервуарларни кўмишни ниҳоясига етказишдир. Бу ишда эса бизга куз ёмири халақит бериши мумкин. Чунки бундай юмушлар фақат қуёш чарақлаб турган пайтлардагина бажарилиши керак. Чунки барча материаллар қуруқ ҳолда бўлиши даркор.

... Ҳа, ушбу иншоотда ишларнинг ниҳоясига етишига санокли кунлар қолмоқда. Бунёдкорлар асосий диққат-этиборни сифатни асло унутмаган ҳолда иш суръатини оширишга қаратмоқдалар. Бундай ғайратли ва сажоватли касб эгаларига қарата «Сувдек сероб бўлинлар!» десангиз арзийди.

Хондамир СОЛИХОВ.

СУРАТЛАРДА: «Чилонзор» сув тақсимлагич тармоғи қурилишидан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.

Энергетика, экология ва иқтисодиёт билимлари тараққиёти масалаларига бағишланган Боку шаҳрида уюштирилган IV халқаро конгресс ишида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Жўра Абдуллаев бошчилигидаги республикамизнинг бир гуруҳ илм-фан аҳллари ҳам иштирок этдилар.

— Халқаро конгрессга жаҳоннинг йигирмадан ортиқ мамлакатидан етакчи тадқиқотчилар тақлиф қилинган эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кенгаши котиби А. Каюмов. — Анжуманга тақдим қилинган маърузалар конгресснинг учта шўъбасида тин

гнлаиб, муҳокама этилди. Каспий денгизи остидаги нефть ва газ захираларидан самарали фойдаланиш ҳамда Каспий денгизи экологияси-

Фан
НУФУЗЛИ
АКАДЕМИЯГА АЪЗО

ни яхшилашга доир илмий чиқишлар кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

Энергетикадан, қайталанувчи энергия манбаларидан фойдаланишга доир маърузалар ҳам катта қизиқиш уйғотди. Академик Ж. Абдуллаев томонидан қилинган маъруза эса қуёш ва шамол энергиясини

биргаликда алоқа тизими объектларида ишлатишга бағишланиб, унда олимнинг шу соҳада олиб борган кўп йиллик самарали изланишлари ўз ифодасини топди. Маърузада келтирилган назарий асослар ва тажрибавий натижалар анжуманда ижобий баҳоланди ва маъқулланди. Бу илмий масалалар айниқса Озарбайжон, Грузия, Испания олимларига жуда маъқул бўлди. Шу сабабли ҳам бу мамлакатлар олимлари Ўзбекистон билан ҳамкорликда иш олиб бориш юзасидан ўзаро келишиб олдилар.

Конгресснинг ялпи мажлисида халқаро энергетика академиясига янги аъзолар сайланди. Шуниси қувонарлики, таниқли олим Жўра Абдуллаев ҳам шу нуфузли академияга яқдиллик билан ҳақиқий аъзо этиб қабул қилинди.

Ақбар АЛИЕВ.

Саломатлик

ЯНГИ ШИФО МУАССАСАЛАРИ

Ҳамза тумани «Соғлом авлод учун» жамғармаси бўлими ҳамда хотин-қизлар кўмитаси томонидан барча маҳаллалардаги аёллар ва болалар, ногиронларни тиббий кўриқдан ўтказиш бошланди.

Бу тadbир декабрь ойига қадар давом этади. Туманда жойлашган шифохона ва касалхоналарда 2360 нафар тиббиёт ходими ишламоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техника базасини ях-

шилаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилаётган. 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти қошида 120 ўринли туғруқхона қурилиши давом этмоқда. Янгибод даҳасидаги ши-

фохона қурилиши бошлаб юборилди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида амбулаториялар негизда оилавий шифохоналар ташкил этилди.

Гулзода МАМБЕТОВА.

Шаҳар ҳужалиғи

ТАРҒИБОТ ИККИ ОЙЛИГИ

Ҳар йили 1 сентябрдан 1 ноябрга қадар шаҳримизда газдан фойдаланиш қоидаларини тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш икки ойлигини ўтказиш аънаънага айланиб қолган.

Пойтахтимизнинг Яқсарой тумани газ хизмати ходимлари ҳам бу тadbирни ўтказишда самарали ишларни амалга оширмоқдалар.

— Туманимизда 17 та маҳалла мавжуд бўлиб, жойларда газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини бундан тез-тез суҳбатлар ўтказилиб турибди, — дейди биз билан суҳбатда Яқсарой тумани газдан фойдаланиш бўлими бошлиғи Миржалол Зуфаров. — Олиб борилаётган суҳбатлар, тушунтириш ишлари ўз натижасини кўрсатмоқда. Чунончи, туманда газ билан боғлиқ кўнгилсизликлар каймағини билан бир қаторда, газни тежашга ҳам эришилмоқда.

Албатта, хавфсизликни таъминлаш ўз қўлимизда. Ўйлаймизки, газдан фойдаланиш қоидаларини тарғиб қилиш икки ойлиги бошқа туманларда ҳам яхши ташкил этилиб ўз самарасини беради.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

БИРГАЛИКДАГИ ТАДБИРЛАР

Тошкент шаҳар ҳокими қарорларининг ижросини таъминлаш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш борасида санитар миллицияси солиқ кўмитаси, санитария-эпидемиология станцияси, ветеринария хизмати билан биргаликда тadbирлар ўтказилмоқда. Улар давомида қўлда тайёрланган ичимлик, уйда пиширилган турли озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш тақиқлаб қўйилди. Пойтахт туманлари мавзе, маҳалла, қорхона, ташкилотлари билан келишилган ҳолда озиқ-овқат чиқиндиларини, тўпланиб қолган ахлатларни автокорхона, ташкилот, муассаса, автотранспорт воситаларида ташиб кетиш чоралари кўрилмоқда.

Натижада рухсат берилмаган жойларда савдо қилаётган 652, уйда тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш билан шуғулланаётган 3374, уйда тайёрланган ичимлик сувини сотаётган 2923 ва бошқа ҳуқуқбузарликлар билан шуғулланаётган 1000 нафар шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўрилди. Санитария миллицияси томонидан 12 965 килограмм озиқ-овқат маҳсулоти истеъмол қилишга ярамаслиги натижасида йўқ қилинди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Инқилобдан олдин Бухоро амирлигининг кўп бекиликларида ҳам божхона бўлган...

Божхона мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг ҳам мазмунан, ҳам шаклан бутунлай ўзгарди. Ёш, мустақил Ўзбекистоннинг мустақил божхона тизими вужудга келди.

1991 йилнинг сентябрида Ички ишлар вазирлиги ҳузурида моддий бойликлар республикадан ташқарига олиб кетишни назорат қилиш давлат инспекцияси бош бошқармаси жорий этилди. Орадан бир ой мўддат ўтгач, яъни 25 октябрда Божхона кўмитаси ташкил этилди.

Тизимимиз ўтган олти йил мобайнида улғайиш босқичини бошидан ўтказди. Бу йиллар ичида у гоҳида мустақил, гоҳида солиқ кўмитаси таркибида такомиллаштириш жараёнини ўтказди.

— Тўғриси, кўпчиликда божхона ҳақида юзаки тасаввур мавжуд. Шу ўринда оддий фуқаро божхона чегарасида нималарга амал қилиши керак?

— Мамлакатимизга кириб келаётган ва унинг худудидан чиқиб кетаётган ҳар қандай юкнинг қонунийлиги, яъни уни қанча тўлаб беришга жавоб бериши ва шунга дахлдор барча ҳужжатлар кўздан кечирилади. Бу эса юқорида талаб қилинадиган барча ҳужжатларни ўз ичига олган Божхона юк баённомасида кўрсатилиши лозим. Демак, божхона чегарасидан ўтаётган ҳар бир юридик шахс, фуқаро божхона баённомасини ёки юк баённомасини тўлдириши зарур. Мумкин бўлса, божхона юк баённомаси (БЮБ) ҳақида озгина тушунча берсам. БЮБ ҳажондаги бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга импортчи учун ҳам, экспортчи учун ҳам қулай бўлган ягона ҳужжатдир. Дунёдаги юздан ортиқ давлат ташқи иқтисодий савдо сиёсатида БЮБ товарларни рўйхатлаштириш ва қодлашнинг уйғунлашган тизимини вужудга келтирди. Ҳозирда божхона юк баённомасини ҳар қандай мамлакатнинг божхоначиси ўқий олади, чунки унда талаб этиладиган жами маълумоту ахборот рақамлар кодлар кўринишида ифода этилган.

Агар яна божхона чегарасидаги оддий фуқарога қайтсак, у божхона баённомасини тўғри тўлдирмоғи, ҳеч нарсани яширмалиги лозим. Чунки баённомада кўрсатилмаган, яъни яширилган товарни ёки пулни, барибир божхоначи нигоҳидан қочиб қутулолмайди. Қайд этилмаган нарса эса эгасидан олиниб, қонунга мувофиқ тарзда иш қўрилади.

— Божхона назоратини йўлга қўйишда, БЮБда кўрсатилмаган ҳар бир товарнинг айниқса, мамлакатимиз

миз қонунларида мувофиқ олиб чиқиш ва олиб кириш тақиқланган товар-ашёларни тўхтатиб қолиш имконияти қай даражада?

— Бизда бу борада имкониятлар етарли даражада. Оддийгина Аэропорт божхона мажмуасини олайлик. Бу ерда энг замонавий техника билан жиҳозланган божхона назорати ўрнатилган. У ерда маълум юкларгина текширилади. Замонавий асбоб-ускуналар бир неча сония ичида йўловчи юкни текширувдан ўтказди. Бу эса божхона назорати жараёнини жуда қисқартириб, йўловчиларга қулайлик яратади. Бундан ташқари тизимда компьютер тармоғини ташкиллаштиряпмиз. Ҳозир лойиҳанинг дастлабки босқичи бажарилиб, иккинчи ва учинчи босқичлар юзасидан иш олиб боришмоқда. Бу ҳам ортиқча даҳмазининг олдини олади. Яъни, мисол учун йўловчи ҳақидаги маълумотлар компьютерга киритилади. Агар у дейлик Бухоро вилоятидаги «Олот» божхона масканидан кирди. Ва аэропортдан учиб кетмоқчи. Биз компьютер орқали унинг божхона назоратини бузгани ёки бузмагани ҳақида ахборотга эга бўламиз. Хуллас, бир неча сонияда бу йўловчи ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкониятимиз мавжуд.

Гап божхона назорати хусусида борар экан, Миллий кинология маркази ҳақида тўхталмасдан ўтломайман. Чунки ушбу марказ тайёрлаб берадиган махсус хизмат итларининг божхона назоратида ўз ўрни бўлади. Маълумки, минтақамиз анча нотинч. Айрим нопок туралар республикамиз худудидан ғайриқонуний бўлган гиванд моддаларни транзит сифатида олиб ўтишга уринишмоқда. Марказ ана шу уринишларни самарали бартараф этиш мақсадида ҳукуматимиз раҳбарияти ташаббуси билан қурилган. Кинология маркази нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё республикалари тегишли идораларини хизмат итлари билан таъминлайди. Бу эса мамлакатимизнинг гивандликка қарши курашда жаҳон ҳам-жамиятига қўшган уллуғи бўлади.

— Бу йил божхона тизимида жиддий ўзгаришлар бўлаётми...

— Ҳа. Шу йилнинг баҳорида мамлакатимизга Жаҳон божхона ташкилотининг Бош котиби жаноб Шавер ташриф буюрди. Бу ташрифий мамлакатимиздаги ташқи ва ички сиёсатга, айниқса, божхона сиёсатига кўрсатилган эътиром, деб баҳоламоқ керак. Ушундан Бош котиб Шавер мамлакатимиз Президентини Исроил Каримов қабулида бўлиб, республикамиз божхона тизими фаолиятдан мамнуният билдирди. Учрашувда божхона соҳасида ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон божхона тизимининг жаҳон божхона ташкилоти билан интеграциялашуви хусусида фикр алмашилди.

Ҳукуматимиз божхона тизимини ривожлантириш, уни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Олий Мажлиснинг ўтган сессиясида тизим фаолиятига асос бўладиган учта ҳужжат қўриб чиқилди. «Божхона кодекси» ва «Божхона тарифи тўғрисида»ги Қонун иккинчи ўқишда қабул қилинган бўлса, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги лойиҳа биринчи ўқишда маъқулланди. Бу ҳужжатларнинг қабул қилиниши ўта муҳимдир. Чунки шу пайтгача божхона ишидаги ҳужжатлар тарқоқ ҳолда юзлаб меъёрий қўрсатмаларда ташкил толган. Бу эса баъзан айрим тушунмовчиликларга олиб келарди.

Ҳар қандай мустақил давлат хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик ўрнатишга киришар экан, божхона тизимини халқаро андозалар талаби даражасига кўтаришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Божхона иши — давлат бож сиёсатининг асосий бўғинларидан биридир. Шу маънода парламентимиз томонидан божхонага оид қонунларнинг қабул қилиниши аҳамиятлидир.

Ҳабарингиз бор, яқинда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва шу асосда Вазирлар Маҳкамаси қарори кучга кирди. Бу эса божхоначилар олдига улкан вазифалар қўйди. Зиммамизга юкланган вазифаларни тезкор ва самарали бажариш учун бор қуч-ғайратимизни ишга соламиз.

Холмурод АБДУРАХМОНОВ суҳбатлашди.

Янгиликдан хабарингиз борми?

ХАР ЖИХАТДАН
АФЗАП

Яқинда шахримиз харитасида яна бир бино — сувкувурлар ишлаб чиқарувчи «Ўзсман» заводи пайдо бўлади. У йилга 750.000 дон маҳсулот ишлаб чиқаради.

Корхона Бектемир туманининг жануби-шарқидидаги сонаот зонасида қурилиши чала қолган «Махсустаъмир» корхонасининг ўрнида қад ростлайди. У олти гектарлик майдонни эгаллайди.

Ишлаб чиқариш технологиясини Словакиянинг «Сматана» заводи келтиради. Гальваника ишлаб чиқариш технологияси йиғилиб қолган оқова сувларни тозалашни эса Германиянинг «Галфитек» фирмаси ўз зиммасига олди.

Корхонада маҳсулот тайёрлашнинг барча жараёни, ҳатто қуёш ишлари ҳам бажарилади. Технолодик лойиҳа шунинг учун ҳам мукамал деб баҳоланмоқда. Барча жараёнлар автоматлаштирилади.

Энг манзур ва маъқул томони — лойиҳада атмосферага зарарли моддалар чиқариши жуда ҳам кам миқдорда бўлишининг акс эттирилгандир. Сабаби корхона чанг, газ тозаловчи, чанг тутувчи ку-


рилма билан таъминланади.

Гальваник ишлаб чиқаришга ҳам сувни айланма таъминот тизимига ўтказиш ҳисобига 95 фоизгача иқтисод қилиш кўзда тутилган. Барча қурилмалар цех биноси устига ўрнатилди. Бу ҳам ишда, ҳам уларни вақти-вақти билан текшириб туришда жуда қўл келади.

Шундай ҳар томонлама пухта лойиҳалар қўл бўлса, қани эди! Бунинг учун «Тошсувгео» илмий текшириш институтига раҳматлар айтамыз. Институт мутахассислари Бектемир туманининг табиий шароитини ҳисобга олганлар, барча табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни кўзда тутганлар.

«Ўзсман» заводи экологик тозалаш учун курашининг намунаси бўлиб қолади, деб ўйлаймиз.

Евгения ДИЧУКОВА,
Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси бош мутахассиси.



Йўноқи сув, гўзал табиат, покиза масканда бир пиёла чой ичиб ором олишни истайсизми? Унда шахримизнинг Тахтапұл мавзасида очилган «Шаршара» қаҳвахонасига марҳамат қилинг. У ерда табиат гўзалликларида кўзларингиз яшнаб ҳордиқ чиқарасиз.

Бу ўсимлик қўп йиллик, пояси тик ўсувчи, сертук, юқори қисми шохланган. Илдиэ олди барги йирик, узун бандли, ўткир учли бўлиб, эллипсимон. Барг пластинкаси тиссимон киррали: қаттиқ тукли, пасти ки томони эса юмшоқ. Гуллари тилла сарик рангда, саватчага тўпланган. Меваси — чўзик, жигарранг бўлади.

Қора андиз Кавказда, Тошкент, Фарғона водийси вилоятларидаги нам ерларда, тоғ ён бағирларида ўсади. У халқ табибатида доривор ўсимлик сифатида кенг қўлланади.

Қадимги Греция ва Римда қора андиз илдиэ поясини фақат шифобахш омил сифатида эмас, таомларга ҳам ишлатилган. Урта асрда ўсимлик

риб келганди. Уларга «Шунинг ўзатида деб туринглр, сизат топасизлар, бу хали одамзодни масхара қилиб юрибди» деганига ўтган аждодларим гувоҳ. Бу ривоят менга ўшалардан мерос. Шу-шу одамлар мени анди, онгисз дейишдан ийманиб, андиз деб қўя қолишган. Чунки доривор ўзагим уларники...

Буюк ҳаким Абу Али

Маҳаммад

ҚОРА АНДИЗ

экинлаштирилган. Қора андиз унутилган гиёҳ эди. Кейинги асрларда у яна қўллана бошлади.

Қора андиз борасида шундай ривоят ҳам бор: Андиздан «Нега номининг андиз дейишди», деб сўрадилар.

— Жуда қизиқ бўлган, — деди у. — Одамзод илк бор мени тоғга кўрмоқчи бўлганда тамаки ҳидига ўхшаш қалампирдай аччиғим билан роса адабини берганман. Қўлу оғзи ачишиб, қўзини ёшалаб, мени дарров ташлаб қочган. Орқасидан андисан, анди, — деб қолаверганман. Яна бирорнинг қораси кўринди деганча мен «Ана анди, анди келаяпти, яна «Ўйинимни» бошлайман» — деб турганимда (Е ўша одам ўсимлик тилини билди. Балки Лукмони Хакимдир), «Кимни анди, гўл деясан, шоймай тур, сеним», — дея нақ ўзагимни тағидан сугури олиб ўзимни арчиб, ошқозон касалига даво бўлади, деб еб юборган ва менга қараб «Ўзинг анди, андиям гапми, онгисзан», — дея бошқаларниям эргашти-

ибн Сино қора андиз совуқдан бўлган оргилларга, бўғим оргилларига шифо бўлади, балғам қўчиради, юракка кўч беради, деб ёзган. Тиббиётда гиёҳнинг илдиэюси ва илдиэ ишлатилади. Унинг таркибиде 3 фоиз эфир мойи, сапонинлар, инулин, лаптонлар, қандлар ва бошқа бирикмалар бўлади. Ўсимлик илдиэнинг қайнатмеси нафас йўллари ва ўпка шашмоллаганда асосан йўтал колдириши учун ишлатилади.

Клиник қузатувлардан маълум бўлдики, у яна пешоб ҳайдовчи, маълум бир бошқиде озроқ кон тўхтатувчи сифатида таъсир қилар экан.

Қора андиз меъда-инак йўлини меъдлаштирилади, моддалар алмашинувини яхшилаиди, кишини терлатади. Шунингдек, унинг препаратлари турли тери касалликларда (экзема, қўтир, нейродермит) яхши маълум ҳамдир. Ўсимлик барглари яраларга бевосита қўйилади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

Куз — қўчат экиш ойидир. Шахримиз ҳавосининг тозаллиги, соя-салқинлиги ана шу қўчатларнинг гуркираб ўсишига қўп жиҳатдан боғлиқдир.

Барчамизга маълумки, ҳар йили қуриган, касалланган дарахтлар кесиб ташланади. Агар уларнинг ўрни йил сайин тўлдириб борилмаса бир неча йилларда шахримиз боғлари хувиллаб қолиши мумкин. Мана шунинг учун ҳам қўчат экишга, уни

парваришлагга доимо катта босарлар кутиб туришибди. Ҳар йили кузда экилган ни-

тушиб қўнғироқ қилишди. Дарахтларни шаҳар табиатни му-

Қўчат экинг!

ЯШИЛ БОЙЛИК

Қўчат экишда Навоий, Усмон Носир, Амир Темур, Фарғона йўли, Бобур қўчаларига мумкин қадар кўпроқ диққатимизни қаратсак яхши бўлади. Сабаби, бу ерлардаги дарахтларнинг аксарияти қариган, ўзларига ўрин-

ҳолларнинг тутиш даражаси текширилади. Қайси туманда ниҳолларга парвариш яхши бўлса, ниҳоллар гуркираб ўсаётганига гувоҳ бўламиз. Қўпича қўмитамизга дарахтлар кесилатганидан ташвишга

хофаза қилиш қўмитаси руҳсати билангина кесиш мумкин. Йўқса, дарахтнинг катта-кичиклиги, мевали, манзарали эканлигига қараб жарима солинади. Мабоодо грек ёнғоғи, pista, нок, олма, қарағай, арча, дуб, чи-

нор, заранг, қайин каби дарахтлар бемаслаҳат, берухсат кесилса, у ҳолда жарималар миқдори 5 баробар ортади.

Дарахтлар-дўстларимиз! Шундай экан уларни парваришлайлик, севайлик! Шахримизда дов-дарахтлар виқор билан шовуллаб туриши қанчалар гўзал! Гўзаллики эса ардоқлаш, асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Ким ФАТТОХОВ,
Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қўмитаси назоратчиси.



№ 9 (70) Тошкент шаҳар табиатни муҳофазаси қилиш қўмитасининг саҳифаси

Улуғбек тумани шахримизнинг йирик сонаот зоналаридан бири саналади. Унинг ҳудудида 25 та йирик ва ўрта сонаот, автотранспорт корхоналари мавжуд. Агар 250 дан зиёд кичик ва қўшма корхоналарни ҳам ҳисобласак, туман ишлаб чиқариш қудратини тасаввур этишимиз мумкин бўлади.

Жорий йилимизнинг ўтган 9 ойи мобайнида қўмитамиз назоратчилари томонидан туманда атмосфера ҳавоси тозаллигини аниқлаш мақсадида корхоналарда 36 марта текширув ўтказилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун 193 та йўриқномалар, тавсиялар берилди. Шу кунгача уларнинг 115 таси бажарилди, қолгани йилнинг IV чорағида бажарилади деб ваъда берилмоқда.

Туман корхоналари 1997 йилда табиатни муҳофазаси қилиш юзасидан 29 та тадбир ўтказилиши, 4,19 миллион сўм сарф этилиши кўзда тутилган эди. Ўтган ойлар мобайнида 16 та тадбир бажарилиб, 1,5 миллион сўм ўзлаштирилди. Қолган тадбирларни амалга ошириш йилнинг туртинчи чорағига қолдирилган.

Инсонга энг зарур табиий неъматлардан бири — бу ҳаводир. Ҳаво қанчалар тоза, мусаффо бўлса, инсон саломатлиги шунча яхши бўлаверади. Шунинг учун ҳам атмосфера ҳимоясига туманда алоҳида эътибор берилиб, корхоналарда 13 тадбир ўтказиш белгиланган, уларга 1 миллион сўм ажратилган эди. Лекин тадбирларнинг 5 таси бажарилиб 0,4 миллион сўм ўзлаштирилди, холос. Қолгани йилнинг туртинчи чорағи «зиммасига юкланди». Шундай бўлса-да туманда ҳаво муҳофазасида силжияш кўзга ташланади. Мабоодо корхоналар режадаги барча тадбирларни бажарганларида эди, ҳавога зарарли мод-

далар чиқариш 11,05 тоннага камаярди. Ҳозиргача эса 5 тоннага камайди. Корхоналар фаолиятига назар соладиган бўлсак бунга ишонч ҳосил қиламиз.

• «Шарқ таронаси» ҳиссдорлик жамиятида белгиланган 4 та тадбирнинг барчаси амалга оширилган.

• «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссдорлик жамиятида 2 та тадбир белгиланган эди. Иккови ҳам бажарилмади.

• «Машинасозлик заводи» ҳиссдорлик жамиятида ҳам кўзда тутилган 2 та тадбир амалга оширилмади.

Туманларда

ҚОҒОЗДА ВА
АМАЛДА

• «Сўғоришқурилиш» ҳиссдорлик жамиятида бир тадбир белгиланган эди, ўша ҳам бажарилмади.

Бу тадбирларнинг қандайлиги билан қизиқадиган бўлсак улар қуйидагича: автомашиналарни газ билан ишлашга ўтказиш, янги тозалаш ускуналари ўрнатиш, оқова сувларни тозаловчи қурилмаларни созлаш, совутич, ҳаво тозолагичларни таъмирлаш ва ҳоказолар.

Қўпгина корхоналар табиат муҳофазасига иккинчи даражали иш деб қарамоқда. «Саратон», «Тошой», «Хиссдорлик жамиятлари», «Ўзбекбирлашув»нинг савдо-жиҳозлар заводи, «Эколог» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Кибернетика» заводи, қолғу асбоблари фабрикаси, «Металлопласт» кичик корхонаси, «Қизил шарк» депоси, «Эрудит» ширкати шаҳар табиатни муҳофазаси қилиш қўмитасининг махсус руҳсатисиз ҳавога зарарли моддалар чиқармоқда. Натижада кўзда тутилган меъёр ошиб кетаяпти. Текширув ҳам

бу фикримизни тасдиқлади: корхоналардаги 346 чанг, газ тозаловчи қурилмаларнинг 185 таси ишлар экан, 24 таси батамом носоз. 43 таси эса хўжақўрсинга ишлаб турибди. Оқибатда 14 марта протокол тузди, 9850 сўмлик жарима солдик.

Туманнинг сувлари муҳофазасида ҳам икки хил манзарага дуч келдик. Ўтган тўққиз ой мобайнида назоратчиларимиз корхоналарда 47 марта текширув ишлари ўтказдилар. 282 модддан иборат йўриқномалар тузилди. Хайриятки улардан 215 таси амалга оширилди. Қолганлари эса белгиланган муддатда бажарилиши керак. 12 амалдор шахсга 9650 сўм жарима солинганлигини ҳам қайд этиб ўтишимиз керак.

• «Тошсизқилиқмарказ» ишлаб чиқариш бирлашмаси битта тадбирни ҳам охирига етказмади.

• «Рангли лок» фирмаси 2 та тадбирнинг бирини бажарди.

• «Ўзқабель» Давлат ҳиссдорлик жамиятида ҳам икки тадбирнинг бири бажарилди.

• Очик турдаги ҳиссдорлик жамиятлари, «Шарқ таронаси», «Сўғоришқурилиш», «ТТЗ» давлат ҳиссдорлик жамиятида ҳам ҳар икки тадбирнинг бири бажарилмаган.

Мирзо Улуғбек туманидан Қорасув, Салор, Юзариқ, Туртариқ, Яланғоч, Оққўрғон, Дархон қаналлари оқиб ўтади. Ҳар йили сувларнинг тозаллигини аниқлаш, оқова, чиқинди сувларга барҳам бериш учун топшириқлар бўлиб ўтади. Бу ишларда туман ҳокимлиги қўмитамизга ҳар томонлама кўмак бериб келмоқда. Маҳаллаларда, корхоналарда, қўп қаватли уйларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Айтимиз, туманнинг ҳудуди тўрт округга бўлиниши, ҳар бир округга туман раҳбарлари етакчилиги қилиши муаммолар ечимини осонлаштирмоқда.

Исмоил ШАМИМУХАМЕДОВ,
Дилдора СУЛТОНОВА,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси назоратчилари.



Шахримизни кезган киши унинг гўзал табиатини кўриб қўзғалар қўнади. Бирон бир кўча, бирон бир оромгоҳ йўки у ерда дов-дарахтлар, гуллар сероб бўлмасин. Бу каби оромгоҳлар кейинги йилларда қўллаб барпо этилаётгани, дов-дарахтларни қўллаб экилаётгани ниҳоятда қувончлидир.

Рашид Галиев
олган суратлар.

Ўтган ойда шаҳар табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси назоратчилари корхоналарда сув муҳофазаси бўйича 64 марта, ҳаво тозаллиги бўйича эса 50 марта текширув ўтказдилар. Афсуски яна бир қатор қондабузариликларга дуч келдик.

«Нерудник», «Мебель» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятларида, «Тошвилоятсувқурилиш» трести 5-қурилиш-монтаж, «Сувқурилиш» бошқармаси 76-қурилиш монтаж корхоналарида, «Наврўз ФП» корхонасида, «Ўзбекмебель» давлат ҳиссдорлик жамиятида сув ўлчови ускуналари ўрнатилмаган, сувни ҳисоб-китоб қилиш учун махсус дафтар тўтилмаган. Худди шундай «Ўсувотштрасс» автосаройида, «Ўзсувсуғоришқурилиш» корпорацияси 1-автокомбинатиде, «Москвич» очик тур-

даги ҳиссдорлик корпорацияси 1-автокомбинатиде, «Москвич» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятида ҳам сув ўлчови асбоблар батамом носоз ҳолдалигига гувоҳ бўлдик.

гик экспертизанинг ижобий хулосаси олинмаган. «Рафиқ ота» масъулияти чекланган, жамиятнинг директори 1500 сўм товон тўлайдиган бўлди. Қолган корхоналар ҳам маъмурий жазога тортилди.

Текширув

ҚОНУН АСОСИДА

«Табиатни муҳофазаси қилиш ҳақида»ги қонуннинг 25-моддасига кўра экологик экспертизанинг ижобий хулосаси бўлмаса лойиҳани амалга ошириш мумкин эмас. Назаримизда бундан қўпгина корхоналар раҳбарларининг хабари йўққа ўхшайди. Йўқса шу масалада қондабузариликларга дуч келмаган булардик. «Навоий қўшчирор», «Нил» қўшма корхоналари «РАСОН», «Рафиқ ота» масъулияти чекланган жамияти, «Юлия-ИА» хусусий корхонасида эко-

логик экспертизанинг ижобий хулосаси йўқ бўлган ишлаб чиқариш шохобчаларининг раҳбарларига зудлик билан бу муҳим ишни ниҳоясига етказишни маслаҳат берамиз. Акс ҳолда қурилишлар тўхтатиб қўйиларди. Ўтган ой мобайнида 75 киши маъмурий жазога тортилди 66500 сўм жарима тўлади.

Қўмитамиз томонидан корхоналарга берилган йўриқномаларга корхоналар бошлиқлари хануз панжа орасидан қарамоқдалар.

Йўриқномаларни хўжақўрсингагина бир-икки кўрсатмалари бажарилади, холос. Эслатиб қўяйлик, «...Табиатни муҳофазаси қилишнинг назорат этувчи органларининг йўриқномаларини бажармаган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан интизомий-маъмурий жавобгарликка тортиладилар», дейилади «Табиатни муҳофазаси қилиш ҳақида»ги қонуннинг 47-моддасида. Ўз вақтида чора-тадбир кўрмагани учун «Тайсот» ҳиссдорлик жамияти бош муҳандиси С. Уваровага 2250 сўм жарима солинди. Шунингдек, таркибида симоб бор бўлган люминисцент чирокларнинг но-тўғри сақлагани учун «Москвич» очик турдаги ҳиссдорлик жамияти ва бошқа корхоналар раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди.

Умид ИСРОИЛОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофазаси қилиш қўмитаси мутахассиси.

ПОКИЗАЛИК ЖОНКУЯРЛАРИ

Транспорт

Бола дунёга келгандан бошлаб, вояга етгунча таълим-тарбия таъсирида бўлади. Бола албатта, оила қувончи, бахти. Унинг одобли бўлиши учун ота-она, оила аъзолари, қариндош-уруғ, маҳалла, мактаб жавобгардир. Мустақиллик шариоатида бунга айниқса чуқурроқ, теранроқ ҳис этилган.

Буюк бобомиз Алишер Навоий:

**Топдингу аёл
яхшилик еткурғил,
ўргат одобу,**

яхши қилиқ,
деб қулоғимизга қуядилар.
Яъни фарзанд кўрсанг, уни яхшиликларга ўргат, одобли, яхши хулқли бўлсин, деган бир фикрни илгари сурядилар.
«Назм жаҳоирлари» асарларида эса дейдилар:

**Олтин кумуш этма,
касб давлат қундан,
Ким тортар одоб
улуси меҳнат тўндин.
Гар йўқдир адаб,
не сўт олтиндин,
Элнинг одоби хушроқ
эрур олтиндин.**

да, ҳалол меҳнат қилишлари, одоб-ахлоқда бошқаларга ибрат бўлишлари лозим. Ана шундагина биз фарзандларимизни ҳақиқий шу улуг мамлакатга муносиб ўғил-қизлар қилиб тарбиялай оламиз.

Оила ҳам, мактаб ҳам, оммавий ахборот воситаларимиз, шоирлар ёзувларимиз, кенг жамоатчилик — ҳаммамиз бир мақсад йўлида биригшиб болаларимизни инсофли, виждонли, яхши фазилатли кишилар бўлиб ўсишларида ғайрат билан ишласак шу катта мақсадга эришамиз деб ўйлайман.

Тошкентдаги Абдор Хидоятлов номи, Мир-

Бектемир туманидаги «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармасининг 8-автокорхонасида амалга оширилаётган ишлар бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан қайта ташкил этилиб, унинг усуллари тўла ўзгаририлди.

Туманда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш биринчи ўринга қўйилган, чунки бу ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналари жуда кўп. Шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида бу борада тез-тез тушунтириш ишлари олиб борилади. Айниқса, 8-автокорхона мутахассисларининг ўз ишларини қатъий тартиб билан ташкил этганлиги туман ҳудудда ахлат уюмлари қўймаслигига, уларнинг атроф-муҳитга зарар етказмаслигига катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Қўнига корхонанинг 12—13 та автомашинаси тумандаги маиший ва қурилиш чикиндиларини ўз вақтида олиб чиқиб ташлайди.

— Ишимизни пудрат асосида ташкил этганлигимиз бугунги кунда ўз самарасини кўрсатаётди, — дейди автокорхона

